

76-боб. Уйларнинг энг яхшиси етимга яхшилиқ қилинган уйдир



15:30 / 05.02.2020 2011

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонларнинг уйлари ичида энг яхши уй етимга яхшилиқ қилинаётган уйдир. Мусулмонларнинг уйлари ичида энг ёмон уй етимга ёмонлик қилинаётган уйдир. Мен ва етимнинг қафили жаннатда мана бундаймиз», деб икки бармоқлари билан ишора қилдилар».

Яъни бармоқларини бирлаштириб кўрсатдилар.

Замонамизда турли-туман танловлар ўтказиш одат тусига кириб қолди. Уларда турли қобилият ва афзалликларни аниқлаш ва уларга кишиларнинг эътиборини тортиш нияти ҳам бор.

Айтайлик, мусулмонлар жамиятида энг яхши хонадон танлови ўтказиладиган бўлди. Умумий маънода ўтказиладиган бу танловнинг қолибини аниқлашга асосий ҳакам ушбу ҳадиси шариф бўлади. Мазкур танловда етимга яхшилиқ қилинаётган хонадон қолиб бўлади.

Агар салбий маънода танлов ўтказиб, энг ёмон хонадонни аниқлаш керак бўлса ҳам, ушбу ҳадиси шариф ҳакам бўлади. Мазкур танловда етимга ёмонлик қилинаётган хонадон ғолиб бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1. Мусулмонлар ичида энг яхши уй етимга яхшилик қилинаётган уйлиги.
2. Мусулмонлар ичида энг ёмон уй етимга ёмонлик қилинаётган уйлиги.
3. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва етимнинг қафили жаннатда кўрсаткич ва ўрта бармоқлар бирлашиб тургандек, бирга бўлиши.

«Одоблар хазинаси» китобидан